

---

Бош қомусимизнинг ўттиз икки йиллик шодиёнаси катта тантана қилинди

Ўзбекистон туманида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 32 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Яйпандаги мукамал таъмирланиб, янгидан фойдаланишга топширилган маданият марказида ўтказилган тантанали маросимда туман сектор раҳбарлари, депутатлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, туман фаоллари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижро этилди.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдулатиф Имомназаров йиғилганларни ва туман аҳолисини шодиёна билан қутлаб, туман ҳокимининг байрам табригини етказди.

Янгиланган Конституция халқимиз хоҳиш-иродасига таянган ҳолда ишлаб чиқилиб, унинг асосида “Инсон қадри учун” ғояси қарор топганлиги таъкидланди.

Байрам тантаналари давомида туман маданият бўлими, бадий жамоалар ва ёш ижодкорлар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

2024-12-07 22:51:34